

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАТКАРИМОВ АКМАЛ КАРИМОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИДА БАЪЗИ КЎЗ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШНИНГ
МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Маткаримов Акмал Каримович

Жанубий Оролбўйи худудида баъзи кўз касалликларининг клиник кечиши ва даволашнинг минтақавий хусусиятлари..... 3

Маткаримов Акмал Каримович

Особенности клинического течения и лечения некоторых глазных заболеваний в условиях южного Приаралья..... 25

Matkarimov Akmal Karimovich

Features of the clinical course and the treatment of some eye diseases in the conditions of the South Priaral..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАТКАРИМОВ АКМАЛ КАРИМОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИДА БАЪЗИ КЎЗ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШНИНГ
МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1356 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eye-center.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бахритдинова Фазилат Арифовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иванова Нанули Викторовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Юсупов Амин Абдуазизович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Мхитара Гераци номидаги Ереван Давлат
Тиббиёт Университети**
(Арманистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли, 14-уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eye-center@inbox.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори,
катта илмий ходим

Ш.А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, ташқи муҳит омилларининг ёмонлашиши таъсирида бутун ер юзи аҳолисининг 10% дан ортиғида кўриш муаммолари юзага келган, «...ноқулай атроф муҳит маҳаллий худудда кўз касалликларининг кенг тарқалишига ва асоратли ҳолатларнинг кўплаб кузатилишига олиб келади...»¹. Сўнги йилларда ташқи муҳит зарарли омилларининг пайдо бўлиши, тарқалиши, физик-кимёвий хусусиятлари ва салбий таъсири ҳақидаги тасаввурлар кўлами ошиб боришига қарамадан, уларнинг инсон саломатлигига, хусусан кўриш аъзосига таъсирининг кўп жихатлари кўшимча изланишларни талаб қилмоқда. Ноқулай экологик худуддаги ташқи муҳит омилларнинг ножўя таъсирлари натижасида кўз касалликлари билан касалланиш нафақат ошади, балки уларнинг айримларининг клиник манзарасида ҳам ўзига хос белгилар пайдо бўлади. Ушбу минтақавий кўз касалликларини аниқлаш, уларнинг клиник намён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шундан келиб чиққан ҳолда уларни ташхислаш ва даволашда анъанавий усуллар билан биргаликда, махсус усулларини қўллаш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Оролбўйи худудида ички тизим аъзолари касалликлари каби кўз касалликларининг ўзига хос клиник кечишини ўрганиш ва шунга мос равишда ташхислаш, ҳамда даволаш чора тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада минтақадаги атроф муҳитнинг ножўя омилларининг кўзни олдинги юзаси ва ички қисмларига таъсирини ўрганиш; юзага келадиган патологик жараёнларни ривожланиши ва кечишини баҳолаш, махсус йўналтирилган ташхислаш ва даволаш усулларини ноқулай экологик худуд аҳолиси учун танлаш ва ишлаб чиқишдан иборат. Оролбўйи шароитида этиопатогенетик жихатларни инобатга олган ҳолда энг кўп кузатиладиган офталмопатологияларни аниқлаш, уларнинг клиник кечишида ўзига хос жихатларини очиб бериш, ҳамда даволашда патогенетик асосланган услубларни аниқлаш каби вазифалар белгиланган.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва халқаро андозаларга жавоб берадиган тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун «... Республиканинг барча, айниқса, чекка худудлардаги аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали касалликларнинг олдини олиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар мамлакатимизда экологик ночор худудлар аҳолисида кўз

¹ Череватенко А.А. Экологические факторы риска для здоровья населения. // Журнал фундаментальной медицины и биологии №3, 2018, - С. 39-45

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони № ПФ-5590 “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 7 декабр.

касалликларини ташхислаш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштиришда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ VI - «Тиббиёт ва фармакология» бўлимига кўра амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли ҳудудларида атроф муҳит омилларининг кўз касалликлари тарқалишига таъсири бўйича катта назарий, илмий, ижтимоий маълумотлар йиғилган. Изланишларда кўз касалликларининг сони ошиб бориши ноқулай экологик ҳолат, техноген таъсирлар, кўриш аъзосининг турли электрон воситалар туфайли зўриқишлари каби кўплаб омиллар билан тушунтирилади (Мухин Н.А., 2013; Бабанов С.А., 2015; Косарев В.В. с соавт., 2014; Атшабарова С.Ш., 2016; Ибраева Л.К., 2016; Hisanori M. Et al., 2019, Onischenko A.L., 2018). Оролбўйи минтақаси ҳам дунёда етакчи экологик ноқулай ҳудуд ҳисоблансада, айнан кўз касалликларини тизимли равишда ўрганиш шу пайтгача амалга оширилмаган.

Кўз олдинги юзаси касаллиги – реактив конъюнктивит чанг, иссиқлик, ёруғлик, тутун, шамол, денгиз суви ёки хлорли сув каби омилларнинг таъсирида пайдо бўлади ва худди аллергик конъюнктивит клиникаси билан намоён бўлади, яъни ачишиш, қичишиш ва конъюнктивал бўшлиқдан сувли ажралма ажралиши. Бундан ташқари, шамол орқали турли заррачалар, масалан кум, шох парда юзасида микрожарохатларга олиб келади ва микроорганизмлар кўпайиши учун қулай шароит пайдо бўлади (Хватова А.В., 2003, Золоторева А.И. 2002; Bragin E.V. et al. 2016; Федотова Т.С. с соавт. 2014; Papurin L.P. et al. 2016; Kudaybergenova U.K. 2014). Атроф муҳитнинг ўзига хос омиллари таъсирида нафақат яллиғланиш жараёнлари, балки дистрофик ўзгаришлар ҳам юзага келади. Конъюнктиванинг дистрофик касаллиги ҳисобланган птериgium шиллиқ қаватнинг қуруқ шабада, чанг, ультратовуш нурланишлар, майда заррачалар билан мунтазам равишда микрожарохатланиши туфайли юзага келади. Натижада қопловчи эпителийдаги реактив ва дегенератив ўзгаришлар натижасида бульбар конъюнктиванинг ички юзасида неоваскуляр гиперплазия

шаклланади. Оролбўйи худудидаги ташқи муҳит шароити, об ҳавонинг кескин мўътадиллиги, асосий экологик манбаларнинг ифлосланиш даражаси, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва иш шароитлари сурункали конъюнктивит ҳамда птериgiumнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган (Билалов Э.Н. 2010; Камиллов Ҳ.М. ва бошқ. 2003; Ибрагимов Р.Н., Курязов И.К. 1994; Исмаилов Б.И. 1981). Оролбўйи худудида олимлар томонида ушбу касалликларни кўп учраши таъкидлансада, уларнинг клиник манзарасининг ўзига хос хусусиятлари, даволашда шу жихатларни инобатга олиш бўйича маълумотлар келтирилмаган.

Кўз гавхари касалликлари, хусусан катарактнинг юзага келишида жарохатлар, яллиғланиш жараёнлари, ионли радиоактив нурланишлардан ташқари атроф муҳитнинг ифлосланиш даражаси ва худуднинг географик-иклим хусусиятлари ҳам асосий омил ҳисобланади, шунингдек клиник ўзига хос махсус белгилар билан намоён бўлишига олиб келади (Девяткова А.С. 2011, Антропова Г.А. 2010; Bragin E.V. et al. 2016). Қорақолпоғистон Республикаси аҳолисида даволаш профилактик муассасаларнинг кўриш аъзоси бўйича бирламчи касалланиш борасида 2015-2019 йиллар давридаги статистик ҳисоботлари таҳлиliga кўра кўз гавхари касалликлари орасида – асоратли катаракта 33% ни, афакия 18,9% ни ташкил қилади. Бундай асоратли нозологик birlikларнинг ушбу худудда кўпроқ кузатилишида албатта ташқи муҳит омилларининг таъсирини истисно қилиб бўлмайди, аммо бу маълумотлар ханузгача илмий асосга эга эмаслигича қолмоқда.

Атроф муҳитнинг турли даражада ифлосланган худудлари, хусусан Оролбўйи аҳолисининг кўриш аъзосининг ҳолатини, касалликларини замонавий текшириш усуллари орқали комплекс тарзда олиб борилган ишлар маҳаллий ва хорижий адабиётларда деярли мавжуд эмас. Минтақада айрим кўз касалликларининг таҳлиliga бағишланган кам сонли ишларни кўришимиз мумкин. Қорақолпоғистонда миопияли беморларда экстраокуляр касалликларнинг таҳлили олиб борилган ва болалар, ҳамда ўсмирларда миопиянинг ривожланишида ва экстраокуляр касалликларни пайдо бўлишида ташқи муҳит омиллари билан алоқа борлиги исботланган (Курбанназаров М.К. 2016). Таҳлилларга асосан бу худуддаги миопияли болалар ва ўсмирларда экстраокуляр касалликлар Республиканинг Самарканд вилоятига нисбатан кўп кайд қилинади. Бироқ бу тадқиқотда бошқа офтальмопатологияларнинг клиник манзараси ва кечишидаги алоҳида хусусиятлар таҳлил қилинмаган, ўрганилмаган.

Шундай қилиб, Оролбўйи худудида “соғлом аҳоли – атроф муҳит” тизимида ички касалликларни ўрганиш бўйича кўплаб ишлар олиб борилган бўлсада, айнан минтақада экологиянинг кўриш аъзосига таъсири диққат марказидан четда қолмоқда. Юқорида таъкидланган барча ҳолатлар мазкур худудда экологик омиллар ва кўз касалликларининг клиник кўриниши, кечишида ўзаро алоқа мавжудлигини ва буни чуқур таҳлил қилиш зарурати борлигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига

мувофиқ кўз касалликлари кафедрасининг «Офтальмологик амалиётда янги дори шакллари яратиш ва татбиқ қилиш орқали баъзи кўз касалликарини ташхислаш ва даволаш усуллари тақомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Жанубий Оролбўйи шароитида кўз касалликларининг ўзига хос клиник хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ҳудудий офталмопатологияларни даволаш самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Оролбўйи шароитида кўз касалликлари тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини ЎзРССВ статистик маркази реестри маълумотлари касалланиш даражасини ретроспектив таҳлил қилиш орқали ўрганиш;

минтақада конъюнктивитнинг клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва даволаш схемасини оптималлаштириш;

минтақада птериgiumнинг клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва комплекс даволаш схемасини аниқлаш;

минтақада қарилик катарактаси клиник кўринишининг ўзига хос хусусиятларини, ҳамда ташхислаш ускунасининг танланишига боғлиқ равишда уларни фарқини ўрганиш;

ишлаб чиқилган даволаш тизимларини жанубий Оролбўйи ҳудудида офталмология клиник амалиётига жорий қилиш;

Тадқиқотнинг объекти 2019-2021 йиллар давомида Қорақолпоғистон Республикаси Бегуний туманидаги «Beruniy Innovation DMClinic» клиникасида амбулатор ва стационар даволанган сурункали конъюнктивит фонидagi “куруқ кўз” синдроми (ҚКС), птериgium, псевдоэксфолиатив синдром (ПЭС) билан асоратланган катаракта ташхиси билан 18 ёшдан 90 ёшгача бўлган 189 нафар беморлар.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сурункали конъюнктивит фонидagi “куруқ кўз” синдроми (ҚКС), птериgium, псевдоэксфолиатив синдром (ПЭС) билан асоратланган катарактали беморларнинг умумий офталмологик ва махсус текширув усуллари – “куруқ” кўз синдромини аниқлаш тестлари, ультратовуш биомикроскопияси, ҳамда бактериологик текширув кўрсаткичлари натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумий офталмологик текширувлар: визометрия, биомикроскопия, тонометрия, авторефрактокератометрия, офталмоскопия.

Махсус текширувлар: А ва В сканирлаш, ультратовуш биомикроскопияси, ҚКС ни аниқлаш – Норн, Джонс, Ширмер синамалари.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

минтақа аҳолисида илк бор кўз касалликларининг тузилмаси илмий таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган, ҳамда ноқулай атроф муҳит шароити туфайли кўп учрайдиган касалликлар, уларнинг клиник ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

минтақада кузатувдаги барча конъюнктивитли беморларнинг 86%ида жараёни сурункалилашишига олиб келувчи ҚКС аниқланган ва даволаш режимига кўз олдинги юзасини ташқи муҳит омилларидан ҳимоя қилувчи сунъий кўз ёш дори воситаларининг қўшилиши зарурлиги илмий исботланган;

Оролбўйида птеригиум сезиларли равишда агрессив, тез, ҳамда анъанавий операциялардан кейин 87,5% гача қайталаниш ва неоваскуляризация билан кечиши аниқланган, патогенетик асосланган давони қўллаш эса асоратлар ва қайталанишни олдини олиши асосланган;

минтақада қарилик катарактаси анъанавий биомикроскопияда кузатилмайдиган капсула – боғлам тизимининг етишмовчилиги билан бирга кечиши, ҳамда “яширин” ПЭС ни аниқлаш учун УБМ усулини қўллаш оғир асоратларни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш ва олдини олишга замин яратиши исботланган ва илмий тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари асосида экологик ноқулай ҳудудда яшовчи аҳолида минтақавий хусусиятларга эга кўз касалликларининг юзага келиши тўғрисида қоида шаклланди;

офтальмология амалиётига киритиш учун экологик офат ҳудудида яшовчи аҳоли орасида кенг тарқалган кўз касалликларини даволаш усуллари таклиф қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, офтальмологик, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, сурункали конъюнктивит фонидagi ҚКС, птеригиум, ПЭС билан асоратланган катарактали беморларда кўриш аъзоси ўзгаришларини ташхислаш ва даволашнинг ўзига хослиги ва натижалар ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экологик ноқулай минтақа – жанубий Оролбўйида кенг тарқалган кўз касалликларини ва уларнинг клиник ўзига хос хусусиятларини аниқланганлиги, жумладан сурункали конъюнктивит фонидagi ҚКС, птеригиум, ПЭС билан асоратланган катарактали беморларни кўрув аъзоси клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш ва ташхислашнинг замонавий ютуқларига катта хисса қўшилганлиги, ҳамда ушбу касалликлар ривожланишида келиб чиқадиган асоратларни даволаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақада ҚКС билан бирга кечадиган сурункали конъюнктивит билан беморларни даволашда сунъий кўз ёш препаратларини қўллаш, птеригиумли беморларни кузатиш, даволаш ва ўз вақтида профилактик тадбирларни ўтказиш имконини берувчи даволаш усулини танлаш, катарактали беморларни операцияга тайёрлашда ПЭС “яширин” кўринишларини кузатиш имконини берувчи УБМ усулини қўллаш орқали даволаш самарадорлигини ошириши, иқтисодий сарф-харажатларни қисқариши ва беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. Жанубий Оролбўйи минтақасида кенг тарқалган кўз касалликларини клиник кечиши ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

Оролбўйида ҳудудида птеригиум билан касалланган беморларни даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Оролбўйи ҳудудида яшовчи беморларда птеригиумэктомия усулларининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 8н-р/434-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома птеригиум касаллигини самарали даволаш ва операциядан кейинги қайталанишни камайишга имкон яратган.

Оролбўйи ҳудудида сурункали конъюнктивит фонидagi “қуруқ кўз” синдроми билан касалланган беморларни даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Жанубий Оролбўйи ҳудудида сурункали конъюнктивит фонидagi “қуруқ кўз” синдромини клиник кечиши ва даволашнинг хусусиятлари” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги 8н-р/1052-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳудудда сурункали конъюнктивитнинг ўзига хос клиник хусусиятларини ташхислаш ва даволашни самарали амалга ошириш имконини берган.

Жанубий Оролбўйи ҳудудида кўз касалликларининг клиник кечиши ва даволашнинг минтақавий хусусиятларига қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Қорақолпоғистон Республикаси Беруний туман тиббиёт бирлашмаси кўз касалликлари бўлими, Самарқанд офталмологик шифохонаси, ҳамда Хоразм вилояти Хива туман тиббиёт бирлашмаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/330-сон ва 2022 йил 25 январдаги 8н-з/25-сон маълумотномалари) амалиётига тадбиқ этилган. Олинган натижалар птеригиум ва сурункали конъюнктивит билан беморларда ташхислаш сифатини яхшилашга, даволаш даврини қисқартиришга, ҳамда самарасини ошишига, касалликларнинг қайталанишини олдини олишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 8 та мақола, улардан 6 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот беради.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» биринчи боби учта кичик банддан иборат бўлиб, мавзуга оидадабиётлар шарҳи акс этирилган, унда атроф муҳит ва омилларининг инсон организмга, хусусан унинг саломатлигига таъсири ёритилган. Оролбўйи ҳудудидаги йиллар давомида юзага келган экологик ҳолат, унинг ҳозирги кўриниши ва шу ҳудуд аҳолисининг саломатлигида акс этиши кенг таҳлил қилинган. Бундан ташқари дунёнинг бошқа экологик ноҳуш ҳудудларида атроф муҳит зарарли омилларининг кўриш аъзосига таъсири, уларнинг офталмопатологиялар ривожланишида тутган ўрни ҳақида келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва усуллари**» иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари баён этилган. Клиник материални Қорақолпоғистон Республикаси (ҚР) Беруний туманидаги «Beruniy Innovation DMClinic» клиникасида 2019-2021 йиллар мобайнида мазкур минтақада кўп учрайдиган кўз касалликлари билан амбулатор ва стационар даволанган беморлар ташкил қилган.

Мазкур бобнинг илк кичик бандида сурункали конъюнктивит (СК) фонидagi “қуруқ кўз” синдроми (ҚКС), птериgium, псевдоэксфолиатив синдром (ПЭС) билан асоратланган катаракта каби офталмопатологияларни ўрганиш сабаби асосланган. Минтақада кўп учрайдиган кўз касалликларини аниқлаш учун 2009 йилдан 2019 йилгача бўлган даврдаги умумий ва бирламчи касалланиш, ҳамда унинг таркиби таҳлил қилинган. Унга кўра Оролбўйи ҳудудида кўриш аъзосининг бирламчи ва умумий касалланиш кўрсаткичлари йил сайин динамик тарзда ошиб бормоқда, бу асосан конъюнктива касалликлари, миопия ва катаракта нозологиялари ҳисобига тўғри келади. Миопия Курбанназаров М.К. (2016) томонидан чуқур ўрганилганлигини инобатга олиб, сурункали конъюнктивит, птериgium ва катарактани клиник кўринишларини ўрганиш лозим топилган.

Сурункали конъюнктивит фонида ҚКС билан беморлар умумий 140 (278 кўз) нафар сурункали инфекцион конъюнктивит клиник ташхиси қўйилган беморлар орасидан танлаб олинган. Барча беморларда конъюнктивитнинг кўзгатувчиси бактериологик текширув орқали аниқланди ва адекват маҳаллий антибиотикотерапия 7 кун давомида ўтказилди. Йўналтирилган этиотроп даво ўтказишга қарамасдан 86% (140 нафардан 121 таси) беморда шабада, кондиционер ҳавоси ва тутунни “ёқтирмаслик”, қуруқлик ва “ёт жисм” ҳисси,

кўзда ачишиш ва қадалиш ҳисси, кўз ёш пленкасининг ифлосланиши, бульбар конъюнктиванинг маҳаллий шиши ва бошқ. каби ҚКСнинг субъектив ва объектив белгилари сақланиб қолди. СК нинг асосан ҚКС билан бирга кечиши сабабли, 18 дан 66 ёшгача (ўртача $35,5 \pm 2,0$ ёш), 32 эркак ва 30 аёлдан иборат 62 (120 кўз) нафар ушбу нозологияли беморлар тадқиқотга жалб қилинди.

Тадқиқотга жалб қилиш мезонлари:

- адекват антибактериал ва яллиғланишга қарши амбулатор даволанган сурункали конъюнктивит билан беморлар;

- ҚКС нинг объектив ва субъектив белгиларининг мавжудлиги;

Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари:

- сурункали конъюнктивитнинг зўрайиш даври (фаол антибактериал терапияга муҳтожлик);

- таклиф қилинаётган дори воситалар ёки уларнинг таркибий қисмларига аллергик реакцияларнинг анамнезда мавжудлиги;

- қандли диабет, ревматик касалликлар, сурункали меъда ичак тракти касалликлари, охириги бир йил ичида мунтазам равишда консервант сақловчи кўз томчиларини томизиб келаётган беморлар

Беморлар даволаш тури бўйича беморлар 2 гуруҳга ажратилди:

1. Назорат гуруҳи (n=20, 40 кўз) – антисептик Цинозол (таркиби: рух сульфат, бор кислотаси) эпибульбар 2 томчидан 3 маҳал 7 кун, кейин 1 томчи 1 маҳал 3 ҳафта давомида;

2. Асосий гуруҳ (n=42, 80 кўз) – антисептик Цинозол эпибульбар 2 томчидан 3 маҳал 30 кун давомида томизилди, ҳамда сунъий кўз ёш (СКЁ) препарати – Кератроп (натрий кармеллоза, глицерин, левокарнитин, эритритол) эпибульбар 2 томчидан 3 маҳал 1 ой давомида томизилди;

Беморларга визометрия, биомикроскопия, контактсиз тонометрия, авторефрактокератометрия, офталмоскопия каби умумий офталмологик текширувлардан ташқари махсус ҚКС ни аниқлаш - Норн, Джонс ва Ширмер синамалари ўтказилди.

ҚКС нинг субъектив белгилари динамикаси OSDI³ сўровномаси, объектив белгиларини намоён бўлиши ва динамикада ўзгаришлари Е.Е. Сомов ва В.В. Бржеский (2003)⁴ томонидан таклиф қилинган 3 баллик мезон бўйича аниқланди. Кузатув муддатлари даволанишнинг 10 -, 20 - ва 30 - кунлари қилиб белгиланди.

Птериgiumли беморларда (n=54, 61 та кўз) стандарт офталмологик текширувлар ва жарроҳлик ўтказилди, уларнинг ёши 18 дан 75 гача бўлиб, ўртача $48,3 \pm 1,72$ ни ташкил қилди. Бирламчи птериgium 32 (38 кўз, 62,3%) беморда, қайталанувчи птериgium 22 (23 кўз, 37,7%) беморда қайд этилди.

Касалликнинг шакли ва даволаш усули бўйича беморлар 3 та гуруҳга ажратилди (1-жадвал).

³ Макарова Е.К. Разработка и оценка эффективности диагностики и лечения синдрома сухого глаза (ССГ) в условиях общей врачебной практики. Автореферат дис. ... канд. мед. наук / Е.К. Макарова – Ташкент, 2009. – 34 с.

⁴ Бржеский В.В., Сомов Е.Е. Роговично-конъюнктивальный кератит (диагностика, клиника, лечение). - СПб.: Левша, 2003. - 157 с.

Билалов Э.Н. (2010) томонидан таклиф қилинган птеригиумнинг патогенетик асосланган даволаш алгоритми 4 та босқичли даволашни қамраб олган⁵:

1-жадвал

Птеригиум билан беморларнинг гуруҳларга тақсимланиши

Гуруҳлар	Птеригиум шакли	Беморлар сони, (кўз)	Даволаш усули
Назорат	Бирламчи птеригиум	10 (12)	Анъанавий даво – Мак-Рейнольдс усулида птеригиумэктомия
	Қайталанувчи птеригиум	7 (7)	
Биринчи асосий	Бирламчи птеригиум	12 (12)	Э.Н. Билалов бўйича аутоконъюнктива оёқчасидан пластика билан птеригиумэктомия
	Қайталанувчи птеригиум	8 (8)	
Иккинчи асосий	Бирламчи птеригиум	12 (14)	Патогенетик асосланган даво ва Э.Н. Билалов бўйича аутоконъюнктива оёқчасидан пластика билан птеригиумэктомия
	Қайталанувчи птеригиум	8 (8)	

Биринчи босқич – операциядан олдинги икки ҳафта давомидаги патогенетик даво.

Иккинчи босқич – операциядан олдинги тайёргарлик босқичи билан биргаликдаги аутоконъюнктива оёқчасидан пластика билан птеригиумэктомия.

Учинчи босқич – операциядан кейин давом этадиган бир ойлик даво.

Тўртинчи босқич – операциядан кейинги узоқ муддатли назорат ва касаллик қайталанишини олдини олиш чора тадбирлари.

Умумий текширувдан ўтган 125 (223 кўз) нафар қарилик катарактаси билан беморларнинг 58,4% да (73 бемор, 130 та кўз) ПЭС аниқланди. Бу кўрсаткични агар сўнги йиллардаги адабиётлар манбалари билан [Neha Sangal 2014; Elsie Chan et al., 2021] таққослаганда, яъни қарилик катарактасида ПЭС 15,8% дан 50% гача кузатилади, Оролбўйи ҳудудида катарактанинг ПЭС билан бирга кузатилиши бу минтақавий ўзига хос хусусият эканлиги маълум бўлади. Шунини инобатга олган ҳолда бизнинг тадқиқот материалимизни ПЭС билан асоратланган катарактали 73 нафар бемор (84 кўз)дан иборат асосий гуруҳ ва маълумотларни солиштириш мақсадида кўриш аъзоси бўйича шикоят бўлмаган 20 (40 кўз) нафар соғлом одамдан иборат бўлган назорат гуруҳи ташкил қилди. Беморлар ва кузатувдагиларнинг ёши 42 дан 87 гача бўлиб, ўртача $64,1 \pm 1,4$ ёшни ташкил қилди.

⁵Билалов Э.Н. Клинико-патогенетические аспекты развития птеригиума и разработка алгоритмов его лечения: Автореф. дис. ... докт. мед.наук / Э.Н. Билалов– Ташкент, 2010. — 45 с.

Тадқиқотга жалб қилиш мезонлари: ҚР да яшовчи, ПЭС билан асоратланган қарилик катарактаси ташхиси тасдиқланган ва операция қилинган беморлар.

Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари: қарилик катарактасидан бошқа барча турдаги катаракталар; глаукоманинг барча турлари (бирламчи, иккиламчи); жароҳатдан кейинги ва яллиғланиш касалликларидан кейинги ҳолатлар; компенсация қилинмаган беморниг умумий соматик ҳолати.

Барча бемор кузатувдагиларга стандарт умумофтальмологик текширувларлар ўтказилди, биомикроскопия орқали ПЭС нинг клиник белгилари ва даражаси баҳоланди. Махсус текширув усулларида А ва В сканирлаш, кўз олмаси УБМ текшируви ўтказилди ва ПЭСнинг даражаси, ҳамда гавхарнинг капсула-боғлам аппарати ҳолати баҳоланди (Тахчиди Х.П. и др., 2007).


Бобнинг бошқа, қолган кичик бандларида умумий ва махсус текширув усуллари, уларнинг интерпретация, птериgiumнинг патогенетик асосланган даволаш алгоритми, сунъий кўз ёши – Керотропнинг тавсифи ва илмий ишнинг статистик қайта таҳлили, ҳамда бошқа шарҳлар келтирилган.

Диссертациянинг учинчи «**Шахсий тадқиқот натижалари**» бобида ҚР да кўз ва унинг ёрдамчи аъзолари бўйича касалланиш таҳлили натижалари ва ҳар битта нозология бўйича беморларнинг клиник - функционал ҳолатлари натижалари келтирилган.

Сўнги 11 йилда минтақа аҳолиси орасида кўз ва ёрдамчи аъзолари бўйича умумий касалланиш 39% га (1888 дан 2617 га), бирламчи касалланиш 68,5% га (974 дан 1641 га) ошган. Бу кўрсаткичлар орасида статистик аҳамиятли тафовут мавжуд $P < 0,001$ (1-Расм).

Катаракта билан умумий касалланишнинг 100 минг аҳолига ўртача кўрсаткичи $157 \pm 3,88$ ни, бирламчи касалланишнинг ўртача кўрсаткичи эса $61 \pm 15,6$ ташкил қилди (2-Расм), бу Ўзбекистон Республикасининг ушбу кўрсаткичларига нисбатан ($120 \pm 7,8$ ва $48 \pm 2,6$) мос равишда 1,3 ва 1,27 марта кўплиги аниқланди ($P < 0,001$, $P < 0,05$).

Бирламчи касалланишнинг 2015-2019 йиллардаги тузилмасини таҳлилида, 1-ўринда конъюнктив касалликлари 52,5% (бунинг 88,9% и турли этиологияли конъюнктивитлар, 11,1% и птериgium ва бошқа дистрофик касалликлардир), 2-ўринда – аккомодация ва рефракциянинг бузилишлари 16,8% (бунда миопия 57,6%), 3-ўринни кўз ва ёрдамчи аъзолари жароҳатлари 8,6%, 4-ўринни қовоқ касалликлари 7,2%, 5-ўринда гавхар касалликлари 4,6% (асоратли катаракта 33%, афакия 19,8%), глаукома 9-ўринни эгаллади (1,9%). Таҳлилларга асосан Оролбўйи ҳудудида кўз ва унинг ёрдамчи аъзоларининг умумий ва бирламчи касалланиши йил сайин ортиб бормоқда ва бу асосан конъюнктив касалликлари ва миопия хисобига тўғри келади.



1-расм. Оролбўйи аҳолиснинг кўз ва ёрдамчи аъзолари бўйича умумий ва бирламчи касалланиши (100минг аҳолига)



2-расм. Катаракта билан касалланиш (100 минг аҳолига)

СК фондаги ҚКС билан беморларнинг клиник текширув натижалари иккала гуруҳда ҳам субъектив ва объектив белгиларнинг яққол намоён бўлишини кўрсатди, бунда улар мос равишда асосий гуруҳда $28,0 \pm 0,8$ ва $1,8 \pm 0,5$, назорат гуруҳида $28,3 \pm 0,8$ ва $1,78 \pm 0,06$ ни ташкил қилди. Кўз ёш менискининг баландлиги ўртача меъёр чегараларида аниқланди. Ширмер ва Джонс синамалари кўрсаткичлари ҚКС нинг энгил даражасига мослиги, Норн синамаси эса ўрта оғирлик даражасига мослиги аниқланди.

ҚКС нинг Е.Е. Сомов ва В.В. Бржеский (2005) томонидан таклиф қилинган классификация бўйича оғирлик даражалари гуруҳларга мос равишда тақсимланди (2-жадвал). Бунда оғир даража 12 (10%), ўрта даража 80 (66,7%) ва энгил даража 28 (23,3%) ҳолатда аниқланди.

Энгил даражали ҚКС билан беморлар асосан шабада, тутун ва кондиционер ҳавосини қийин қабул қилиш, ёшланиш; ўрта даражали беморлар кўзда “қум” ёки “ёт жисм” сезгиси ва қуруқлик, ачишиш ва қадалиш; оғир даражали беморлар кўришнинг хиралиги, ёруғликдан қочиш, кўзда ачишиш каби субъектив шикоятларни намоён қилдилар.

Беморларни ҚКС нинг оғирлик даражаси бўйича гуруҳларга тақсимланиши

Гуруҳлар, (n)	ҚКС нинг оғирлик даражаси		
	Енгил	Ўрта	Оғир
Назорат гуруҳи, n=40	10 (25%)	26 (65%)	4 (10%)
Асосий гуруҳ, n=80	18 (22,5%)	54 (67,5%)	8 (10%)
Умумий, n=120	28 (23,3%)	80 (66,7%)	12 (10%)

Шундай қилиб, СК фонидаги ҚКС да кўз ёш пленкасининг нафақат сифати балки унинг ажралиш миқдори ҳам зарарланади, бу ҳам ўз навбатида худудда жараённинг мультифакториал этиопатогенезга эга эканлигинидан далолат беради.

Птериgium билан беморларнинг клиник текширув натижаларида касалликнинг етарли даражада оғир ва нафақат косметик нуқсон сифатида намоён бўлиши, балки кўриш ўткирлигиниям кескин пасайтириши (ўртача $0,26 \pm 0,03$) ва ногиронликка сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланди.

Птериgiumнинг асосий биомикроскопик белгиларини маҳаллий тадқиқотлардаги бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача кўрсаткичлари билан солиштирганда Оролбўйи худуди аҳолисида ушбу касаллик клиник жиҳатдан кечиши ва намоён бўлишида сезиларли тарзда тафовут аниқланди ($P < 0,01 - 0,05$). Бинобарин, птериgium бошчаси 54% (35% га қарши) да қалин, 21% да тоғайсимон (15% га қарши), 22% да (12% га қарши) шох парда билан кучли ёпишган (12% га қарши), 5% ҳолда (2% га қарши) шох парда юзасидан сезиларли тарзда кўтарилиб туриши, танасининг 68% (38% га қарши) да шишиб қалинлашганлиги, 54% да этли-томирлиги (25% га қарши), 28% да чандиқланиб ўзгарганлиги (20% га қарши), 29% да ҳаракатсизлиги (20% га қарши) аниқланди.

Птериgium билан асосан иш қобиляти юқори бўлган ёшдаги аҳолининг касалланиши, клиник манзаранинг анча оғир намоён бўлиши, анъанавий жарроҳликдан кейин қайталаниш эҳтимоли юқори эканлигини инобатга олиб, птериgium тўқимасининг фаол неоваскуляризациясини камайтириш учун операциядан олдинги адекват тайёргарлик талаб қилинади.

ПЭС билан асоратланган катарактали беморларнинг клиник текширув натижалари бўйича беморлар асосан кўришнинг хиралашиб бораётганлигидан (74 кўз, 88%), кўз олдидаги тумандан (18 кўз, 21,4%) шикоят қилишди. Анамнестик маълумотлардан 39,3% (33 кўз) ҳолатда касаллик 1-3 йил, 22,6% (19 кўз) ҳолатда 6 ойдан 1 йилгача, 21,4% (18 кўз) ҳолда 6 ойгача ва 16,5% (14 кўз) ҳолатда 3 йилдан ортиқ муддат давомида безовта қилиши аниқланди. Бу маълумотлардан Жанубий Оролбўйи худудида катаракта бошқа экологик қулай худудларга нисбатан сезиларли даражада тез ривожланиб боришини кўришимиз мумкин. Ўртача кўриш ўткирлиги коррекциясиз $0,07 \pm 0,01$, коррекция билан $0,16 \pm 0,02$, кўз ички босими (КИБ) ўртача $19,5 \pm 0,2$ мм.сим.уст. ни ташкил қилди.

ПЭС нинг УБМ ва биомикроскопик белгиларини солиштирма таҳлилида 22 та кўзда ПЭС белгилари визуал жиҳатдан аниқланмаган бўлса-да, УБМ бўйича шуларнинг 54,5% ида (12 кўз) I - даража, 41% ида (9 кўз) II - даража, хатто 1 та кўзда (4,5%) III даража кузатилди. Биомикроскопик жиҳатдан I-даражали ПЭС бўлган 18 та кўз (21,4%) дан 8 (44,4%) тасида УБМ белгилар I - ва II - даражага хос бўлса, қолган 10 та кўзда (55,6%) III – даражанинг белгилари аниқланди. 2-даражали ПЭС билан 33 та кўзнинг 8 (24,2%) тасида УБМ бўйича II –даража, 23 (69,7%) тасида III – даража, 2 (6,1%) тасида эса IV – даража аниқланди. Биомикроскопия бўйича аниқланган 3-даражали 11 та кўзнинг УБМ натижалари таҳлил қилинганда 1 (9,1%) та кўзда III, қолган 10 (90,9%) та кўзда IV даража қайд этилди. УБМ текшируви натижасида ПЭС нинг оғир даражалари (III ва IV) умумий 47 та кўзда кузатилган бўлса, биомикроскопик жиҳатдан сўнги 3-даража 11 та кўзда аниқланди, шу ўринда таъкидлаш лозимки, айнан цинн боғламларининг объектив манзараси ва ҳолатини (турли сегментлардаги кам сонли лизис ва узилишлар) биомикроскопия билан баҳолаш имкони мавжуд эмас (3-жадвал).

3-жадвал

ПЭС билан беморларнинг УБМ ва биомикроскопик даражалари бўйича тақсимланиши

ПЭС нинг УБМ даражалари	Кўзлар сони	ПЭС нинг биомикроскопик даражалари			
		0 (26,1%)	1 (21,4%)	2 (39,2%)	3 (13,1%)
I (17,8%)	15	12 (54,5%)	3		
II (26,1%)	22	9 (41%)	5	8	
III (41,7%)	35	1 (4,5%)	10	23	1
IV (14,2%)	12			2	10
Жами	84	22	18	33	11

Кўриш аъзоси бўйича шикоятлари ва клиник ўзгаришлари бўлмаган назорат гуруҳи беморларининг УБМ текширувида ПЭС ёши 45 дан ошган 3 нафар беморда (6 та кўз, 15%) аниқланган бўлса, бунда I даража 2 та, II даража 3 та, III даража 1 та ҳолатда аниқланди. Ёши 44 дан кичик бўлган беморлар кўзида ПЭС аломатлари аниқланмади (4-жадвал).

4- жадвал

Назорат гуруҳи беморларининг ёш ва ПЭС нинг УБМ даражалари бўйича тақсимланиши (20 соғлом, 40 кўз)

УБМ бўйича ПЭС даражалари	Беморнинг ёши				Жами
	18-44	45-59	60-74	75 ва катта	
I	-	1 (2)*	-	-	1 (2)
II	-	-	1 (2)	1 (1)	2 (3)
III	-	-	-	1 (1)	1 (1)
IV	-	-	-	-	-
Итого	-	1 (2)	1 (2)	1 (2)	3 (6)

Изоҳ: * - қавс ичида кўзлар сони

Асосий, яъни катарактали беморлар гуруҳидан 22 нафариди ПЭС нинг биомикроскопик белгилари кузатилмади, аммо уларни УБМ текширувида 12 та кўзда (54,5%) I даражали, 9 (41%) тасида II даражали, 1 тасида (4,5%) III даражали ПЭС аниқланди.

Бинобарин, назорат гуруҳида бу мос равишда 2 (5%), 3 (7,5%) ва 1 (2,5%) та ҳолатда аниқланди. Гуруҳлардаги натижаларни ўзаро таққослаганимизда биринчи ва иккинчи даражалар орасидаги тафовут статистик жиҳатдан аҳамиятли эканли кузатилди ($P < 0,001$, $P < 0,01$). Назорат гуруҳидаги 75 ёшли беморнинг кўзида (2,5%) биомикроскопияда ПЭС белгилари кузатилмаган бўлса-да, УБМ да III-даражага хос ўзгаришлар аниқланди, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич 4,5% га тенг. Ушбу ҳолат беморнинг ёши қанча катта бўлса, ПЭС нинг даражаси ва намоён бўлиш эҳтимоли ҳам юқори бўлишини тасдиқлайди (5-жадвал).

5-жадвал

ПЭС нинг УБМ бўйича гуруҳ ва даражаларга тақсимланиши

УБМ бўйича ПЭС даражалари	Асосий гуруҳ (n=22)	Назорат гуруҳи (n=40)
I – даража	12 (54,5%)	2 (5%)*
II – даража	9 (41%)	3 (7,5%)^
III – даража	1 (4,5%)	1 (2,5%)

Изоҳ: гуруҳлар кўрсаткичлари орасида статистик аҳамиятли тафовут аниқланди (* - $P < 0,001$; ^ - $P < 0,01$);

Таҳлиллар Жанубий Оролбўйи худудида катарактанинг тез суратда б ойдан 2 йилгача ривожланишини, асосан (58,4%) ПЭС билан асоратланган ҳолда, кўриш ўткирлигининг сезиларли даражада пасайиши билан кечишини кўрсатмоқда. Катаракта жарроҳлигида асосий аҳамият касб этувчи гавхарнинг капсула-боғлам аппарати ва цинн бойламларининг ностабиллик клиник белгилари 26,1% ҳолда аниқланмади.

Диссертациянинг тўртинчи **“Таклиф қилинаётган даволаш самарадорлигини клинко-функционал кўрсаткичлар маълумотларига асосан баҳолаш”** бобида ҳар битта нозология бўйича даволашдан кейинги натижалар келтирилган.

СК фонидидаги ҚКС нинг даволаш жараёнидаги клинко-функционал кўрсаткичларининг динамикасида асосий гуруҳдаги беморларда касалликнинг субъектив, ҳамда объектив клиник белгилари даволашдан олдинги ва назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада камайди (6-жадвал).

Назорат гуруҳи беморларида Цинозол кўз томчисини томизишдан 1 ҳафтадан кейин ижобий томонга ўзгаришларни кўриш мумкин, бу асосан ҚКС нинг энгил даражаси билан 9 нафар (90%) ва ўрта даражали 10 нафар (45,5%) беморлар ҳисобига тўғри келади, аммо оғир даражали беморларнинг биронтасида ижобий ўзгариш кузатилмади. Кейинги кузатув муддатларида клиник белгилар кўрсаткичларида сезиларли яхшиланишлар қайд этилмади.

Кўз ёш пленкасининг ёрилиш вақти (КЁПЁВ) – Норн синамаси фақат асосий гуруҳ беморларидагина барча кузатув муддатларида сезиларли тарзда ошиб борди ($P<0,05$), назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич сезиларли ўзгармади. Кўз ёш ишлаб чиқарилишини белгиловчи Ширмер ва Джонс функционал синамалари, ҳамда кўз ёш менискининг баландлик кўрсаткичи барча кузатув даврларида иккала гуруҳда ҳам сезиларли ўзгаришларсиз қолди ($P\geq 0,05$).

6-жадвал

Гуруҳларда ҚКС нинг клиник ва функционал кўрсаткичлари динамикаси

Баҳоланувчи белгилар	Гуруҳлар	Даволашдан олдин	Даволаш бошланишининг		
			10 – куни	20 - куни	30 - куни
Субъектив белгилар (ўртача балл)	Назорат n=40	28,0±0,8	24,5±0,9*	27±1,1	27±0,8
	Асосий n=80	28,3±0,8	17,6±0,6*^	9,6±0,5*^	6,4±0,3*^
Объектив белгилар (ўртача балл)	Назорат n=40	1,63±0,05	1,5±0,05	1,57±0,06	1,66±0,03
	Асосий n=80	1,64±0,05	0,6±0,03*^	0,55±0,04*^	0,57±0,03*^
Ёш менискининг баландлиги (мм)	Назорат n=40	1,2±0,03	1,1±0,03	1,1±0,03	1,3±0,03
	Асосий n=80	1,3±0,03	1,1±0,03	1,2±0,03	1,2±0,03
Ширмер синамаси (мм/5мин)	Назорат n=40	11,4±1,3	11,8±1,2	12,1±1,4	11,8±1,5
	Асосий n=80	11,2±1,3	11,7±1,7	11,9±1,8	12,1±1,4
Джонс синамаси (мм/5мин)	Назорат n=40	8,3±1,1	8,8±1,5	8,4±1,6	8,3±1,2
	Асосий n=80	8,8±1,2	9,0±1,2	8,3±1,4	8,6±1,7
Норн синамаси (сек)	Назорат n=40	7,4±0,2	7,5±0,2	7,7±0,2	7,6±0,3
	Асосий n=80	7,6±0,2	9,25±0,2*^	10,1±0,1*^	11,2±0,1*^

Изох: * – даволашдан олдинги кўрсаткичлар билан статистик аҳамиятли фарқ ($P<0,01$, $P<0,001$).

^ – назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан статистик аҳамиятли фарқ ($P<0,001$).

Шундай қилиб, актив яллиғланиш жараёнини муваффақиятли даволашдан кейин, ҚКС га қарши СКЁ – Кератроп дори воситасининг асоси ҳисобланган кармезол натрий кўзда табиий кўз ёшнинг қолдиқ қисмлари билан бирлашиб, таркибидаги гицерол туфайли шох парда ва конъюнктива учун ҳимоя пленкасини ҳосил қилади. Натижада шох парда намланади, кўз ёш пленкасининг барқарорлиги ошади, бундан ташқари препарат ташқи муҳитнинг чанг, туз зарралари, курук шамол, ультрабинафша нурлари каби ножўя экологик омилларига қарши қўрғон вазифасини бажаради. Кўз олдинги юзасига бундай таъсир СКЁ дори воситаларини экологик офат шароитида

яшовчи сурункали конъюнктивитли беморларни даволаш схемасига киритишни тўла тўқис оқлайди.

